

ДАСТЛАБКИ МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

ОНА-ВАТАНГА 315 МИНГ ТОННА ЎРНИГА 320 МИНГ ТОННАГА ЯҚИН ПАХТА ТОПШИРИЛДИ

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР
ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

12 ПИЛ ЧИҚИШИ

№ 203 (3175)

16

ОКТАБРЬ

ШАНБА

1965 йил

Баҳоси 2 тийин



Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Даладаги ҳосилни нобуд қилмай тезроқ териб олайлик, 25 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарайлик!

ЎН МИНГ КИЛОГРАММЧИ

Областимиз пахтакорлари дастлабки мажбуриятларини ҳам ортиги билан бажардилар. Ҳамманинг дили хушнуд. Сиз суратда кўриб турган, юзларига табассум ёйилган кўннинг килограммчи теримчи ҳам улкан хирмонга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. У ҳозир ҳам далада астойдил меҳнат қилипти. Ўртоқ Назира Тўрабекова Янгийўл районидаги «Москва» колхозининг аъзоси. Мавсумда 10 минг килограмм пахта териш учун курашмоқда.

А. Абалин фотоси.



Ўзбекистон КП область комитети ва область икрония комитети давлатга пахта топириш планини муддатидан илгари бажарган куйидаги хўжаликлари область «ХУРМАТ ТАХТАСИ»ГА ёзишга ҚАРОР ҚИЛДИЛАР.

Бўка районидаги КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ (райси А. АБДУҲОЛИҚОВ, партия ташкилотининг секретари А. ХОЛИЙГИТОВ, комсомол ташкилотининг секретари М. ПАРДАЕВ, бош агроном Р. ЗОКИРОВ, бош инженер Қ. МАТКАРИМОВ, бош бухгалтер Р. ЗОИРОВ ўртоқлар). Бу колхоз пилдан ташқари кўшимча 400 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

Ўрта Чирчиқ районидаги КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ (райси М. ЮРАЙ, комсомол ташкилотининг секретари А. ТУРСУНОВ, бош агроном Л.И. ВЛАДИМИР, бош инженер ХЕТАН КОНСТАНТИН, бош бухгалтер А. ШИРИНБЕКОВ ўртоқлар). Бу колхоз пилдан ташқари 800 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

Оржоникидзе районидаги ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗ (райси Т. НОРМУХАМЕДОВ, партия ташкилотининг секретари Р. АХМАДАНИЕВ, комсомол ташкилотининг секретари Т. РАХАБОВЕВ, бош агроном Ф. ЗИЯМУХАМЕДОВ, бош инженер З. НУРИДИНОВ, бош бухгалтер О. АЗИМОВ ўртоқлар). Бу колхоз пилдан ташқари кўшимча 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

Оққўрғон районидаги КАЛИНИН НОМЛИ КОЛХОЗ (райси А. СОВҒАБОВЕВ, партия ташкилотининг секретари У. МУЗАФФАРОВ, комсомол ташкилотининг секретари Т. НОРБҒАЕВ, бош агроном А. ҚАРШИБЕКОВ, бош инженер С. ТОШҚУЛОВ, бош бухгалтер Р. ХУДОЙҚУЛОВ ўртоқлар). Бу колхоз пилдан ташқари кўшимча 300 тонна пахта сотиш мажбуриятини олди.

315 минг тонна пахта сотиш учун

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТУҒРИСИДА 15 ОКТАБРАГА БУЛГАН МАЪЛУМОТ (Планга нисбатан процент ҳисобда)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бер	Шу кунгидан бер кунда	Мавсум бошидан бер
ОРЖОНИКИДЗЕ	2,20	115,75	2,20	113,20
ОҚҚЎРҒОН	1,58	107,27	1,58	127,42
ЎРТА ЧИРЧИҚ	1,85	106,97	1,46	109,76
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	1,56	106,02	3,07	117,80
БУКА	1,42	102,94	1,00	110,46
КАЛИНИН	1,71	101,76	0,77	68,34
Янгийўл	2,50	92,82	1,96	82,57
Бекобод	2,16	87,56	2,04	90,22
Область бўйича:	1,86	101,50	1,55	106,04

Республикада 15 октябрга кундаги миқдорда пахта тайерланди. (Планга нисбатан процент ҳисобда). Биринчиси — мавсум бошидан, иккинчиси — машина терими: Қашқадарё — 90,35; 36,75; Сурхондарё — 87,15; 87,75; Самарқанд — 87,09; 64,24; Хоразм — 85,31; 58,92; Фарғона — 85,13; 81,40; Бухоро — 83,55; 27,11; Андижон — 78,43; 66,15; Қорақалпоғистон АССР — 74,89; 53,15; Сирдарё — 74,31; 94,32.

Республикада бир кунда 2,14, мавсумда — 83,68, машинада — 74,54 процент миқдорда пахта тайерланди.

ЎРТА ЧИРЧИҚ хушхабарлари

«Северный маяк» колхози аъзолари ҳам маррага етишди. Давлатга 4.600 тонна «оқ олтин» топширилди. 97,5 процент пахта биринчи сортга қабул қилинди. Бундай катта муваффақиятга комплекс механизацияланган зvenoлар сафи кенгайтирилганлиги, бу звенolar юқори ҳосил учун астойдил курашганликлари, йиғим теримни қисқа муддатда тугалаш учун барча зарур тадбирлар кўрилганлиги туфайли эришилди. 3.000 тоннадан ортқ пахта машиналар ёрдамида териб олинишга ҳаммани қувонтирмоқда.

Колхоз аъзолари шу кеча кундузда пилдан ташқари яна 760 тонна пахта териб топириш учун курашмоқдалар.

Райондаги Ленин номли колхоз аъзолари 2.500 тонна, Куйбисhev номли колхоз аъзолари 2.900 тонна хирмон кўтаришиб, улар ҳам галаба рапортига имзо чекдилар. Ленин номли колхозда пилдан ташқари 600 тонна, Куйбисhev номли колхозда эса 550 тонна пахта топириш учун кураш кетаяпти.

ОЛТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИИ СОВЕТИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТУҒРИСИДА

Олтинчи чакирқиқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси 19 октябрда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилди.

Депутатлар 17 ва 18 октябрда эрталаб соат 10 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг биносида, 19 октябрда эса эрталаб соат 9 дан бошлаб Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида рўйхатга олинади.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ 30 СЕНТИМЕТРГА ЕТКАЗАМИЗ

Районимиз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, барча киши кол хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришни таъминламоқдалар.

Ҳар бир колхоз ва совхозда ети йилликнинг сўнги йилини ажойиб меҳнат галабалари билан янқулаш учун курашмоқда. Айниқса, бу соҳада пахтакорларимизнинг иши қувончлидир. Районимиз пахтакорлари йил бўйи ҳақ меҳнат қилиб, катта майдонларда мўл ҳосил етиштирилди. Улар барча куч ва имкониятларини ишга солиб ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишда жонбозлик кўрсатдилар. Натижада жуда қисқа вақт ичида пахта тайёрлаш йиллик плани муваффақиятли бажарилди. Ҳар гектар ердан 28 центнердан ҳосил олинди, давлат оморларига 15900 тонна «оқ олтин» туқилди. Шуниси қувончлики, ҳосилнинг асосий қисми биринчи сортларга топирилди. Ишни пухта ташкил этган хўжаликлариимиз пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта кўрсаткичларга эришдилар. Қўлгина хўжаликлари бир йилнинг ўзида гектар бошига ҳосилни 6 центнерданга кўпайтирдилар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари ҳар бир колхоз ва совхозда йиғим теримни ҳар жиҳатдан пухта ташкил қилишга эътиборни кучайтирдилар. Қолоқ участкаларини олдингилар сафига етказиб олишда қўлдан келган барча чора ва тадбирлар кўрилди. Фрунзе номли колхоз анча вақтдан бери қолоқлар рўйхатида эди. Район партия комитети бу хўжаликка яқиндан ёрдам берди. Бундай, участка ва звенolarни ишчан, тақрибанли кайрлар ҳисобига мустақамлаштирилди. Ҳар бир колхозчи партияимиз Марказий Комитети март Пленуми қарорлари кенг тушунтирилди. Коммунист ва комсомоллар моддий бойликлар яратиладиган жойларда ташкилотчилик ишларини олиб бордилар.

Шу билан бирга улар ўзлари таппаббус кўрсатиб ишладилар. Кўпчилик участкаларда бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Юқоридаги тадбирларнинг ҳаммаси ишни пухта ташкил этилишига хизмат қилди. Илгор агротехника фаия ютуқларидан мохирлик билан фойдаланилди. Пахта териб олишда ҳам тоғат катта ташкилотчилик ишлари амалга оширилди. Оқибатда колхоз қисқа вақт ичида пахта тайёрлаш йиллик планини ошириб бажариб, илгорларга етиб олди. Райондаги Икданов номли ва бошқа бир қанча қамкуват хўжаликлари яқиндан амалий ёрдам кўрсатилиши натижасида улар ҳам планини биринчилар қатори бажардилар.

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Областимиз маррага етадиган чин арафа кунини колхозимиз пахтакорлари йиллик пахта тайёрлаш давлат планини ошириб бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Эл хирмонига 2492 тонна «оқ олтин» туқилди. Машина терими плани 114 процент бажарилди. Ҳаммадан қувончлиги шу бўлдики, ялпи ҳосилнинг 95 проценти биринчи сортга қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини изчиллик билан амалга ошириш йўлида астойдил кураш олиб борилаётганлиги ана шундай самарали натижа берди. Гектаридан олган ҳосил 29 центнерданга етди. Комплекс механизацияланган звенolarнинг эришган ютуқлар ҳаммаимизни хурсанд қилмоқда. Ўз меҳнатларини уларни моддий манфаатдор эканликлари яхши тушунган ва бунини амалда кўраётган ана шу звенolarда гектаридан 31—33 центнердан хирмон кўтарилди.

Бу нимаини шарофати? Қудратли техникдан унумли фойдаланиш, фан янгилликлари ва илгорлар тақрибасини дедилик билан қўлланишининг шарофати.

Ҳозир ҳам даладаримизда ҳар қачонгидай йиғим-терим қизғин борапти. Давлатга пилдан ташқари камида 300 тонна пахта етказиб бериш учун астойдил курашмоқдалар. Колхозимиз аъзолари зимматга олган социалистик мажбуриятимизни ҳам шараф билан бажарамиз, бу бизнинг областимиз бўйича 25 минг тонна пахта етказиб бериш юзасидан олган ялпи мажбуриятнинг эртароқ бажарилишига қўшган ҳиссамиз бўлади, партияимизнинг бўлажак XXIII съезди шарафига мўносиб меҳнат совғамиз бўлади демолдар.

Колхозимизда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланиб борапти. Давлатга гўшт сотиш йиллик плани 102 процент, жун 104 процент, мева 100, шилла 101, силос тайёрлаш плани 102 процент бажарилди.

Дехқонларимиз ва чорвадорларимиз хўжалигимизни бундан буён янада ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилдилар.

М. КАМолов,

Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

М. ИСМАТОВ,

Калинин районидаги «Коммунизм» колхозининг райси.



«Оқ олтин» бойлигимиз, тинчлигимиз, кучимиз-қудратимиз. Мамлакат ободлиги, уст-бошимизнинг бутлиги, хона доининг тўқлиги — барчаси ҳам пахтадан!

З-БЕТ, 16 ОКТЯБРЬ 1965 ИИЛ

ТАСС АХБОРОТИ
ИКИНЧИ ЙҮЛДОШ
МОЛНИЯ-1 ПАРВОЗДА

Ернинг сўяғи йўлдошларини — актив ретрансляторлардан фойдаланиб, олин радиоалоқа ва телевидение системасини такомиллаштириш программасига мувофиқ, 1965 йил 14 октябрда Совет Иттифоқида иккинчи алоқа йўлдоши «Молния-1» элвисини шакллантириш орабига муваффақиятли равишда чиқариб қўйилди.

Координация ҳисоблаш марказининг дастлабки маълумотларига қараганда, чиқарилган йўлдош орбитасининг апогеини Ер сатҳидан энг балинд нуқтага шимолий ярим шарда 40 минг километр ва перигейни Ер сатҳига энг яқин нуқтага Жанубий ярим шарда 500 километр. Йўлдош Ер атрофини 11 соат 59 минутда айланиб чиқади, орбитанинг оғиши 65 градус.

Йўлдошда ўрнатилган ретрансляция аппаратураси телевидение программаларини эшитириб туради ва кун каналлар орқали олин масофаларда радиоалоқа қилишга имкон беради, шунингдек йўлдошда қандайдир ўзгаришлар бўлганда, уларнинг орабига ориентация системаси, орбитани тўғрилай турганда, система ва йўлдошга энергия бериб турадиган система ҳам ўрнатилган.

Иккинчи алоқа йўлдоши «Молния-1»ни учиртишдан қўзғатилган асосий мақсад — иккинчи томонлама олин телевидение ва телефон-телеграф радиоалоқа қилиш системасини янада такомиллаштириш ва уни тажриба тариқасида ишлатиш кўришдан ноборат.

Алоқа йўлдошида ўрнатилган аппаратуранинг ҳаммаси нормал ишлаб турибди. Иккинчи йўлдош «Молния-1» орқали Москва билан Владивосток ўртасида телефон алоқаси боғлам ва телевидение программаларини айирбошлашнинг биринчи сеанслари ўтказилди.

Иккинчи йўлдош «Молния-1» орбитага чиқарилгани билан бир неча йўлдошдан биргаликда фойдаланиб, алоқа системасини ташкил этиш имкониятларини янада кўриш бошланади.

Пойтахтимиздаги бутика-кондитер комбинатининг кондитер цехи коллективни шаҳар аҳолиси учун хилма-хил қандолатлар ишлаб чиқараётир. Аҳоли қоронғоқ тайёрланаётган қўзғич шаклидаги кекка ва «Сюрприз» деб номланган тортирларни кўпайиб харид қилмоқда. Суратда: кондитер цехи бошлиғи В. Капитонов ва бош техник Л. Лебедева ўртоқлар янги маҳсулотларини кўздан кечирибди.

М. Нуриддинов фотоси.



ҲАҚИҚИЙ ПОСБОНЛАР БЎЛИНГ

«Мен Совет Иттифоқи граждани милиция сафига киратириб, бутун куч ва билимимни халқ тинчлигини, оқошнинг учун сарфлашга ҳаракат қиламан, лозим бўлиб қолганда эса жонимни ҳам беришга тайёрман». Бу сўзлар ҳар бир милиция ходимида ёт бўлиб кетган. Ўз ҳаётини милиция билан боғлашга аҳд қилган ҳар бир киши, дўстлари олдига, қизиди байроқ олдига ана шундай қасам ёд қилади. Жамиятимизга ёт бўлган усурларга қарши курашга

отланган экан, танлаган бу йўлда машаққат ҳам, ташвиш ҳам бўлиши, олдига юксак бурч турганини тушунади.

Кунчи кеча жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ҳузуридаги милиция мактабини 400 дан ортиқ киши битириб чиқди. Уларнинг бир қисми пойтахтда қолди. Улар муштани ҳаётга қадим қўйиб, шу соҳада катта тажриба ортириб, тажрибали милиция ходимлари билан учрашиб, маслаҳатлар олиш ниятида шаҳар жамоат тартибини сақлаш бошқармаси клубига тўпланишди. Шаҳар жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи ўртоқ А. Тошметов учрашувини очиб, ветеранларга сўз берди.

—Энг аввало соф виждонли бўлинг, — деди шахсий пенсионер Жўрабой Астанов. —Яхшига ўртоқ, эрига тўқмоқ бўлганингиздагина, виждонингиз пок бўлганидагина кишилар оёқини қў

зоналасиз, Улуғ Октябрь соҳнастик революцияси галаба қозongan шонли 1917 йилда халқ миллиятлар оқдй қизматчи бўлиб ишга кирган. Ўзлаб жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция майори даражасига бўлган йўлни босиб ўтган, ҳозирда эса кенглик гаштини сураётган Ж. Астанов ёшларга бошдан ўтган воқеалардан, тажрибаларидан сўзлаб берди. Оталаримиз эстафетасини давом эттиришга, шонли традицияларимизни бойитишга чақирди.

Отавадаги милиция подполковниги Г. Свердлов ҳам милициянинг роли, унинг аҳамиятини, оёқини сақлаш ҳақида сўзлаб берди.

Милиция мактабини битириб чиққанлар номидан сўзга чиққан Владимир Моргунов ва Инна Шевляковалар қасамёда аҳд қилишга, оталар ниятидан боришга ваъда беришди.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

15 Ёшли ПАҲЛАВОН

Толя бошча болалар қатори биринчи сентябрда мактабга бориб, партага аранг сирди. Унинг бўйи 1 метр 80 сантиметр. Оғирлиги 112 килограмм, 43-рама рини ботини кияди. Костюмининг эса 56-размери тўғри келади.

Шунга қарамай Толя Наумов тўққизинчи синфдаги болалар орасида энг ёши ҳисобланади. Яқинда у 15 ёшга тўлди.

Толянинг кўкрак кенлиги бир метр йигирма сантиметр, болдир 48 сантиметрдан, муштуми 40 сантиметр. Вратлар ва спорт тренерай айтишича бола сопа-сопа. Биз эса бу фингга қўшимча қилиб, у қушчақчақ ва қувноқ деймиш. Паҳлавон Толяни синфдошлари ҳам, Островский кўчасидаги ўртоқлари ҳам жуда ҳурмат қилишди.

Тугилганида бошча қақалоқлардан фарқ қилмаган Толя жуда тез ўсди. Олти ёшида 62 килограмм келарди, бўйи эса бир метр эди.

Ўтган йили отаси уни классик нураш секциясига олиб келди. Ҳозир Толя билан спорт мастери Юрий Захаров машқ ўтказилди. —Болага машғулотлар катта фойда келтирипти, — дейди тренер, — мускуллари кучга тўлпти, қақон ҳаракат қилганидан бўлиб қолди, 8 килограмм ози. Ўтган йили 120 килограмм эди. Ҳамма томонлама чиниқадиган енгил машқлар билан шугуллангпти. Хали гиламга чиқиб, кураш тушгани йўқ. Чунини унинг келамгани олдига, Энг муҳими — хали шовилмаслини керак.

(А.ПН).

ЁДГОРЛИКЛАР ЭКРАНДА

Шоҳи-Зида, Регистон, Биби-хоним... Ўзбек архитектурасининг кўҳна ва қадимий, гўзал ёдгорликлари юз йиллар тарихини ҳикоя қилади бизга. Самарқанддаги ёдгорликлар ҳақида кимдир ўнган, кимдир эшитган. Лекин уларни ҳамма ҳам кўрган эмас. Тез кунда ҳолдаган кишиларнинг ҳаммаси бу тарихий ёдгорликларни кўриш имкониятига эга бўладилар.

Тошкент ҳужжатли хроникал фильмлар студияси тарихий ёдгорликларини ҳақидаги фильмининг яқинда экранга чиқаради. Тошкентдаги миллий архитектура ёдгорликларини ўз кўзлари билан кўрадилар.

Сценарий автори — саятатуш

нослик фанлари доктори Г. П. Худаченкова, режиссер М. Каюмов, композитор Р. Вильдановлар фильмнинг ҳартомонлама гўзал ва жозибали киқилини таъминлашган.

ФУТБОЛ

МАМЛАКАТ БИРИНЧИЛИКЛАРИДА

Мамлакат биринчилиги учун энг кучлилар гуруписида курашган командалар ўртасида 14 октябрда қикити ўйин бўлди. Иккаласида ҳам майдон эгалари устун келишди. «Крилья Советов» Москванинг «Локомотив» футболчиларини, «Спартак» эса Минск динамичларини 1:0 ҳисобида енгилди. Энди пойтахт теннис бўлиқларининг юқори лигада қилиш муммо. Улар мавсум охиригача атиги тўрт ўйин ўтказадилар, холос.

Иккинчи лиганинг иккинчи финал гуруписида навбатдаги тур мусобақалари бўлди. Бу тур ҳам «Подольск» футболчиларига қувонч келтирмади. Улар Волгоградда «Трактор» командасига 0:1 ҳисобида ютказадилар. Шунга қарамай политехникачилар ўз ўринларида (25) турбулдилар. Бу финал гуруписада Новосибирскнинг армия футболчилари пешқадамлик қилмоқда. Сибирликлар «Спартак» (Гомель) ни қабул қилиб, учрашувни 0:0 ҳисобида тугатдилар. Шундай ҳисоб «Зенит»нинг «Ростелмаш», «Волга» (Калинин) «Труда» мусобақасида ҳам қайд қилинди. Тўлиси темирйўлчилари ўз майдонига «Олга» (Фрунзе) футболчиларидан 2:3 ҳисобида енгилдилар. «Строитель» ҳужумчилари «Кубань» дарвозасига тўртта жаъовсиз тўп киритиб, катта галабача эришдилар. «Металлург» (Запорожье) — «Динамо» (Таллин) учрашув 3:3 ҳисобида, «Локомотив» (Винница) — «Динамо» (Ленинград) ўйини 2:2 ҳисобида дуранг бўлиб тугади.

«Б» класс командалари ҳам навбатдаги мусобақаларини ўтказадилар. Ҳаммада қизқинчи ўйотган Фарғонанинг «Нефтяник» футболчилари билан Самарқанд спартакчилари ўртасидаги учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Фарғоналиклар ўйин охирида 11 метрдан штраф тўли уриб аранг ҳуррият эришдилар. Турини енгилди «Иртиш» (Омск) ҳам бир оқмоқ олади. У ҳам «Динамо» футболчилари билан сафардаги матчни 1:1 ҳисобида якунлади. Чирчиқликлар ана галабача эришдилар. Бу сафар улар Златоуст шаҳрининг «Металлург» командасини 2:0 ҳисобида енгилди. «Свердлов» қолқоз командаси эса Ленинобода помирликлардан 0:3 ҳисобида енгилди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

1966 йил учун ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТОШКЕНТ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАЗЕТАГА ОБУНА «СОЮЗПЕЧАТЬ» НИНГ ҲАММА БУЛИМЛАРИДА, ПОЧТАБОНЛАР, ФАБРИКА, ЗАВОДЛАР, ҚУРИЛИШЛАР, МУАССАСАЛАР, ОЛИЙ УҚУВ ЮРТЛАРИ, ШУНИНГДЕК ҚОЛҚОЗ ВА СОВХОЗЛАРДАГИ ЖАМОАТЧИ ВАКИЛЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ОБУНА БАҲОСИ: 12 ОЙГА — 5 СЎМ 28 ТИЙИН, 6 ОЙГА — 2 СЎМ 64 ТИЙИН, 3 ОЙГА — 1 СЎМ 32 ТИЙИН.

Реклама ВА Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.00 — Кинофильм (болалар учун), 17.15 — Телевизион янгиликлар.

Рус тилида: 17.25 — Коньки маликаси (хужжатли фильм), 17.45 — Реклама ва эълонлар, 17.50 — Телевизион янгиликлар, 18.00 — Сизни Ерван кутади (киноконцерт), 18.45 — Сўнги суҳбат (телевизион бадний фильм), 19.35 — Лушча (бадний фильм).

20.55 — Эшитиришлар программаси.

Ўзбек тилида: 21.00 — Телевизион минималлар (Эштинг студияси).

21.40 — Сўнги янгиликлар (Ўзбек, рус тилларида). Ўзбек тилида: 21.50 — М. Нисёзов (қалқоз созида-бастакорлари) циклидан).

ИКИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Фрунзе телестудияси эшитиришлари.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/Х ва Севилья сартороши, 17/Х да кундуз Доктор Айболит, кечқурун Евгений Онегин.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/Х да Сарвоҳлат дилбарини, 17/Х да кундуз Насриддин сарғушларини, кечқурун Мирзо Улуғбек.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Грузин цирки артистларининг гастролли. Яқинда кунин 3 марта томоша кўрсатилади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бурон — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Актёр — «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун).

Неполонинг турт кунин — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

«Варяг» крейсери (эрталаб соат 10 да), Кул ва олма (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА».

Шоҳсанам ва Ғариб — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз соат 5 да Ўзбек тилида).

Этик қийган Мушунининг янги сарғушларини — «КОМСОМЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 19 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 да бошланади)

Ўртоқ Арсени — «ВАТАН», ТЕМАН НОМЛИ.

Уч мушкетёр — НАВОИЙ НОМЛИ.

Жосус билан учрашув — «ФЕСТИВАЛЬ».

Е ўлиш, 8 қолиш — КАФАНОВ НОМЛИ.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

16, 17 октябрда

Тошкент области пахтакорларининг галабасига бағишланган

катта концертлар

Концертда: Хорам ашула ва рақс ансамбли, хор қанелласи, ўзбек халқ чўгу ансамбли, Ўзбекистон ССР халқ артисти Шаҳодат Раҳимова, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Қундуз Миркаримова, Тоштемир Шарипов, Учқун Ғаниев ва солистар қатнашди.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар кундуз соат 2 дан сотилади.

ИКЕЙА-СЕКИ КОМЕТАСИ КҮЗАТУВДА

НАУЧНИЙ ПОСЕЛКАСИ (Крым области), 14 октябр (ТАСС мухбири). СССР Фанлар академияси Крым астрофизика обсерваториясининг телескоплари 21 октябрда Кўёш билан тўқнашадиган Икейа — Секи кометасининг ҳаракатини кўзатиб турибди.

Обсерватория экспериментал

астрофизика бўлимининг мудири, физика-математика фанлари доктори В. Прокофьев бундай дейди: Биз янги кометани суратга олишга муваффақ бўлдик. Комета Менис рефлектор билан жуда сезилр телескоп апарат ёрдамида фотосуратга олинди. Бу апарат осмондаги кометани жуда аниқ суратга олишга ёрдам бери

ди. Кузатишларимизга асосланиб, кометанинг орбитаси ҳисоблаб қилинди.

Ҳозир обсерваторияда кометанин Кўёшга бориб тушадиган пайтини кўзатиш учун тайерлар қилинмоқда. Бизнинг асосий мақсадимиз Икейа-Секи кометасининг спекторини суратга олишдир.

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

КОГРЕСС ИШИНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

ВАРШАВА, 14 октябр (ТАСС). Касаба союзуларининг VI Жаҳон конгресси бугун эрталаб ўз ишини давом эттирди. Халқаро форум конгрессга тақдим этилган ва замонавийнинг ҳамда касабасоюз ҳаракатининг энг муҳим масалаларига тааллуқли бўлган тўрт докладни муҳокама қилишнинг давом эттирмоқда.

Адан халқни чекинмайди

ҚОҲИРА, 14 октябр. (ТАСС). Арабистон Ярим ороли жанубини оёзд қилиш миллий fronti неча Арабистон жануби халқининг инглиз мустамлака ҳукмронлигига қарши уюшган ҳолда нураш бошлаганигига икки йил таъини муносабати билан матбуот учун баёнот тартипти. Баёнотда жумладан айтаилгани, ана шу район халқи галаба қилганига қадар оёздлик курашини давом эттиришга қатъий бел боғлаган. Мустамлакачиларнинг барча ҳийла-найрағлири ва тил бириктиришлари, деб таъкидланади баёнотда, муваффақиятсизлигига учрайди, халқ эса, мустақиллигига эришадиган қонуний ҳуқуқлар олади.

АҚШ агрессиясига чек қўйилсин

ХАНОЙ, 14 октябр. (ТАСС). Вьетнам юрестлари уюшмасининг тақлифига биноан демократ юрестлар халқаро уюшмасининг бош секретари Ж. Норман бошчилигида ана шу уюшма делегациясини 30 сентябрдан 12 октябргача дўстона визит билан Вьетнам Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турди.

Вьетнам информация агентлигининг хабар беришча, демократик юрестлар халқаро уюшмаси ва Вьетнам юрестлари уюшмасининг Ханойда эълон қилинган қўшма баёнотида шундай дейилади: демократ юрестлар халқаро уюшмаси Америка империалистларининг Жанубий Вьетнамдаги интервенция сиёсатини ва ҳарбий агрессиясини ҳамда АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши олиб бораётган агрессия урушини кескин қоралайди. Ҳар

икки томон яқин нияти барча кишиларни Америка империалистларининг жиноятларини кескин қоралашга ва Вьетнам халқининг ўз озодлиги учун олиб бораётган адолатли курашини қўллаб-қувватлашга чақирадилар.

Женева битимлари ҳамда халқаро ҳуқуқ принципларига қасбий роқ қилишгига Вьетнам масаласини халқ қилишнинг ягона асоси бўлиши мумкин, дейилади баёнотда.



Конго (Леопольдвил) ватанпарварлари кенг фронт бўлиб курашини давом эттирмоқдалар. Елланганлар Ункс ва Хор бошлқ шимоллий ва жанубий Чомбе армиялари катта талафотлар кўрмоқда. Мабуотнинг хабар беришча, қўшма жойларда ватанпарварлар ҳужумга ўтиб катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Суратда: конголик қўзғолончилар ўрмонларда навбатдаги ҳужум олдидан.

Камера-Пресс-ТАСС фотоси.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

4-БЕТ, 16 ОКТЯБРЬ 1965 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004. Редактор ўринбосарлари — 25885, 26232. Матбуот секретари — 34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлими — 31936. Партия турмуши, саноят, транспорт ва қурилиш, ахборот ва спорт бўлими — 33786. Кишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлири бўлими — 29040. Совет ишлари, мансий ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутиатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг бошқармаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01260. Индекс 64969. Нашр, № 1870.